



2016 йил «8» сентябрь

№ 689-у

**2016 манзилли дастур асосида қурилиши
режалаштирилган савдо ва маиший хизмат
кўрсатиш биносини қуриш учун ер участкаси
ажратиш ва қурилишга рухсат бериш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20-моддаси, Ер кодекси»нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2011 йил 25 майдаги №146-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини ижросини таъминлаш мақсадида 2014 йил 01 декабрдаги «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» ДУК билан келишилган №1-10/4618-сонли келишув хати ва йиғилиш баёни, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг экологик экспертиза хулосасини, Нурабад тумани Улус қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Хидирова Гулбахор томонидан Нурабад шаҳри Амир Темур маҳалласи ҳудудидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биносини қуриш учун 0,003 гектар ер майдони ажратиш беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман хокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2016 йил 3 октябрдаги далолатномаси ва тўпланган ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нурабад тумани Улус қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Хидирова Гулбахорга Нурабад шаҳри Амир Темур маҳалласи ҳудудидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биносини қуриш учун 0,003 гектар ер майдони ажратилсин ҳамда ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2016 йил 3 октябрдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Хидирова Гулбахорга қуйдаги вазифалар юклатилсин:

-Ўзбекистон Республикаси - Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиха хужжатларини тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини бир йил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш:

3. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га Хидирова Гулбахор томонидан тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) ва туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Хидирова Гулбахор томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О. Лажнаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов